



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2023 - yil 7 - yanvar

VI-36-1-6-0-K/23

Namangan viloyati hokimligi

Наманган вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 3 декабрдаги ПФ–6121-сон Фармонининг 1-бандига мувофиқ, вилоят Молия бош бошқармаси ва Давлат солиқ бошқармасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” лойиҳаси бўйича киритган таклифларини муҳокама этиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллаш тўғрисида” 2022 йил 9 декабрдаги 06/04-34/4103-сон (ХДФУ) хатида қуйидагилар:

ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2022 йилда 1,10 бараварга индексация қилиниши кутилаётганлиги;

Наманган вилояти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 39,0 млн.сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 352,0 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги;

келгуси йил базавий солиқ ставкасига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллашда кейинги йил маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан келиб чиқиш бўйича тавсиялари асос учун қабул қилинсин.

2. “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” миқдорларини белгилаш бўйича вилоят Молия бош бошқармасининг ҳамда вилоят Давлат солиқ бошқармасининг қўшма таклифи маъқуллансин.

3 Қуйидагилар:

Наманган вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 1 гектар ер майдони бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

Наманган вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича 1 кв.м. ер майдони бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Наманган вилояти ҳокимлиги (С.Султанов), вилоят Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Бойханов) уч кун муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган коэффициентларни Наманган шаҳар ва туманларга етказилишини таъминласин.

5. Халқ депутатлари Наманган шаҳар ва туманлар Кенгашлари бир ҳафта муддатда ушбу Кенгаш қарорининг 1 ва 2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш бўйича муҳокамалар ўтказиб, 2023 йилнинг 13 январь кунига қадар муҳокамалар якуни бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларни жойлардаги солиқ органларига тақдим этсин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2022 йилдаги ПҚ-471-сон қарори 7-бандига асосан, жисмоний шахсларга солиқ юқининг кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида уй жой фондининг кўчмас мулк объектларига, шунингдек улар эгаллаб олган ер участкаларига нисбатан Солиқ идораларига жисмоний шахслардан олинадиган қишлоқ хўжалигига

мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги инобатга олинсин.

6. Халқ депутатлари Наманган шаҳар ва туманлар Кенгашлари ушбу Кенгаш қарорининг 1 ва 2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни келгуси йил учун маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан ҳамда мамлакатимизда иқтисодий фаолликнинг тикланганлиги ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг даромадлари барқарорлашганлигидан келиб чиққан ҳолда қўллашлари тавсия этилсин.

7. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Бойханов) Халқ депутатлари Наманган шаҳар ва туманлар Кенгашлари томонидан тасдиқланган ер солиғи миқдорларини ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органлари орқали беш кун ичида солиқ тўловчиларга маълумот учун етказишилишини таъминласин.

8. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Бойханов) ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб борсин;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқласин;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш (хатлов) ишларини самарали ташкил этиб борсин.

9. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2022 йил 2 февралдаги VI-29-6-6-0-К/22-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур Кенгаш қарори “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

Белгилансинки, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

11. Ушбу Кенгаш қарорининг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (З.Ходжаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммасига юклансин.

**Xalq deputatlari Namangan
viloyati Kengashi raisi**



Sh.Abdurazakov

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2023 yil 7 yanvardagi
VI-36-1-6-0-K/23-son qaroriga
1-ilova

**Наманган вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар
учун юридик шахслар бўйича 1 гектар ер майдони бўйича мутлоқ миқдорда
белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва
оширувчи коэффициентлар**

МИҚДОРЛАРИ

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2023 йил учун (минг сўмда)
1	Наманган шаҳар	1,380	53 820,0
2	Тўрақўрғон тумани	0,805	31 395,0
3	Янгиқўрғон тумани	0,695	27 105,0
4	Чуст тумани	0,780	30 420,0
5	Учқўрғон тумани	0,745	29 055,0
6	Поп тумани	0,675	26 325,0
7	Наманган тумани	0,775	30 225,0
8	Косонсой тумани	0,675	26 325,0
9	Мингбулоқ тумани	0,675	26 325,0
10	Норин тумани	0,655	25 545,0
11	Уйчи тумани	0,755	29 445,0
12	Чортоқ тумани	0,755	29 445,0

Изоҳ: Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашилари юридик шахслар учун ер солиғи ставкасини даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2023 yil 7 yanvardagi
VI-36-1-6-0-K/23-son qaroriga
2-ilova

**Наманган вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар
учун жисмоний шахслар бўйича 1 кв.м. ер майдони бўйича мутлоқ миқдорда
белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва
оширувчи коэффициентлар**

МИҚДОРЛАРИ

сўмда

Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2023 йил учун (сўмда)
1	Наманган шаҳар	1,380	485,76
2	Тўрақўрғон тумани	0,805	283,36
3	Янгиқўрғон тумани	0,695	244,64
4	Чуст тумани	0,780	274,56
5	Учқўрғон тумани	0,745	262,24
6	Поп тумани	0,675	237,60
7	Наманган тумани	0,775	272,80
8	Косонсой тумани	0,675	237,60
9	Мингбулоқ тумани	0,675	237,60
10	Норин тумани	0,655	230,56
11	Уйчи тумани	0,755	265,76
12	Чортоқ тумани	0,755	265,76

Изоҳ: Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.